



Куръони Каримда зикр этилган яна бир илмий ажойибот – бу хомиланинг она корнида ривожланиш боскичларининг батафсил баён этилганлигидир.

«Сўнгра бу нутфадан лахта конни яратиб, лахта кондан бир тишлам гўшти яратиб, бир тишлам гўштан суякларни яратиб, бу суякларга гўшти «кийдирдик», сўнгра (унга жон киргизиб, аввал бошдаги бир томчи сув – нутфадан бутунлай) бошка бир жонзот холида пайдо килдик. Бас, энг Гўзал Яратгувчи (яъни йўқдан Бор килгувчи бўлмиш) Аллох Баракотли – Буюқдир.

Мўминун сураси, 14-оят.

Ояти каримада она корнида хомиланинг аввал суяклари шакллана бошлаши, сўнгра уларнинг устини гўшт коплаб, мушакларга айланиши хакида хабар берилмоқда. Хомиланинг она корнидаги ривожланишини ўрганувчи фан эмбриология деб аталади. Якин пайтларгача эмбриология фани хомиланинг суяклари ва гўшлари, яъни мускул тўкималари бир пайтда хосил бўлиб, биргаликда ривожланади, деб хисоблаб ва хатто бир катор олимлар мукаддас Куръоннинг юкорида келтирилган оятларини илм-фанга тўгри келмайди, деб инкор килиб, танкид остига олар эдилар. Аммо бир неча йил аввал микроэмбриологик тадқиқотлар давомида, энг сўнгги замонавий технологиялар ва ўта сезгир асбоблар ёрдамида мазкур оятлардаги маълумотларнинг инкор килиб бўлмайдиган физиологик далил эканлиги аниқланди.

Бу жараён эмбриология бўйича «Инсоннинг ривожланиши» деб номланган асарлардан бирида шундай тавсифланган:

«Олтинчи хафтада тогайсимон тўкималарнинг шаклланиши давом этади, айна пайтда каттиклашишнинг дастлабки белгилари намоён бўла бошлайди, яъни дастлабки суяк пардалар пайдо бўлади. Еттинчи хафтанинг охирида узун суяклар батамом котади. Мушак хужайралари суякни ўраб турган тўкимадан ажралиб, мушак тўкимасини хосил килади. Шундай килиб, мушак тўкимаси суякларнинг олди ва оркасида жойлашган мускуллар гурухига бўлинади.

Шундай килиб, инсон хомиласининг она корнида ривожланишидаги боскичлар Куръони Каримда зикр килинган бўлиб, эмбриологиянинг сўнгги кашфиётларига тўлик мос келади.

Дунёдаги энг машхур эмбриологлардан бири, Канададаги Торонто университетининг анатомия ва хужайра биологияси профессори Кейт Мур Куръони Каримдаги мана шу илмий мўъжизани илк бор аниқлаган олимлардан биридир. Куръони Каримнинг хомиланинг она корнидаги ривожланиш боскичлари ва унинг дунёга келиши хакидаги оятларини диққат билан ўрганиб чиккан профессор Мур шундай хулосага келади:

«Сўнгги уч йил давомида мен Жиддадаги кирол Абдулазиз Университетининг

эмбриология кўмитасида ишладим ва инсоннинг она корнида пайдо бўлиши ҳамда унинг она корнида ривожланишига доир Куръони Каримда келган кашфиётлар хақидаги изоҳлар устида ишлашга ёрдам бердим. Дастлаб мен бу билимларнинг 7 асрдаёқ Куръони Каримда очик-ойдин ёзиб қўйилганлигидан хайратга тушдим, чунки у пайтда хали эмбриология фанининг ўзи бўлмаган эди... Менинг ишончим комилки, бу билимлар Мухаммад Расулulloхга Аллох Таоло томонидан нозил килинган, зеро бу билимларнинг кўпчилики исми инсонлар томонидан бу оятлар тушганидан кейин орадан бир неча аср ўтгачгина кашф килинди. Мана шу ҳолат менга Мухаммад Расулulloх Аллох Таолонинг ҳақ Пайгамбари эканликларини исботлади